

# КУЧ-АДОЛАТДА

2013 йил  
27 декабр,  
жума  
№ 51-52 (461)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯНАДА ОБОД ЭТГАН ЙИЛ

**М**амлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги ҳар бир йил тараққиётимизнинг пойдеворини мустаҳкамлаш билан бирга шу заминда яшайётган одамлар ҳаётида, жамият ҳаётида ўзига хос янги маъно ва мазмунга бой из қолдириб бормоқда. Шу билан бирга, ҳар бир йил яратувчилик, бунёдкорлик борасида янгидан-янги имкониятларни очаётгани билан тарих зарваракларини ёрқин саҳифалар билан беэмомқда.

Мана, ана шундай яна бир йил — ўз номи билан ҳар бир кўнглини, ҳар бир оstonани, ҳар бир гўшани обод этган 2013 йил — Обод турмуш йили поёнига етмоқда.



Давлатимиз раҳбари Исом Каримов ташаббуси билан якунига етаётган йилга Обод турмуш йили, деб ном берилганини халқимиз нечоғлик хайрихоҳлик билан кутиб олган бўлса, ундан кўзланган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришдаги яқдиллик, ташаббускорлик ундан-да юксакроқ бўлди.

Мазкур йил муносабати билан қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оиланда ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинч-

лик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланди. Шу билан бирга, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривож-

лантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бар-

ча муҳим йўналишларини қамраб олган. Энг муҳими, унинг самарали амалга оширилгани халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз раванқини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)



2013 йил ҳам поёнига етиб бормоқда. Аслида ҳар биримиз учун муқаддас бўлган Ўзбекистонимизда мустақиллик йилларининг барчаси ўзининг бетакрор жозибаси, муҳим воқеаларга бойлиги билан ажралаб туради. Обод турмуш йили номи билан аталган XXI асрнинг ўн учинчи йили халқимиз учун қўлга келди.

### Qonun ijodkorligi

## Миллий қонунчилик асослари янада мустаҳкамланди

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли янгиланиш ва ўзгаришларнинг аниқ самаралари нафақат юртдошларимиз, балки дунё жамоатчи-

лиги томонидан яқдиллик билан эътироф этилмоқда. Айтиш керакки, сарҳисоб қилинаётган 2013 йилда қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам демократлаштириш жараёнлари изчиллик билан янада ривожлантирил-

ди. Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар замирида, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қимматини муносиб ҳимоя қилиш сингари эзгу мақсадлар мужассам.

(Давоми учинчи бетда)

Яқунланаётган йилда Навоий вилоятидаги 19 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 600 та хонадон барпо этилди.

### Ifixor

## Озод юртнинг обод манзиллари

Президентимизнинг ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда замонавий тураржойлар барпо этиш ва пиروвардида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Биргина Навоий вилоятида 2009-2013 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 60 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми учинчи бетда)



### Turmush chorrhalarida

## Қонуний никоҳ

оила мустаҳкамлигининг муҳим асоси

Оила жамиятнинг ажралмас ва узвий қисми ҳисобланади. Шу боис уни асраб-авайлаш ҳамда муҳофаза қилиш энг устувор вазифалардан биридир. Зотан, аҳил ва ҳамжиҳат оилаларда оқил фарзандлар камол топишини эътиборга олсак, онларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги муқаддас бурч эканини янада теранроқ англаб етмиш.

(Давоми учинчи бетда)

### Munosabat

## Амнистия — бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Мустақиллик йилларида жамият ва давлат ҳаётининг муҳим саналари муносабати билан кечиримлик, меҳр-мурувват, инсонпарварлик ва бағрикенглик сингари халқимизга хос фазилатларни ўзида тўла-тўқис мужассам этган йилгирмадан ортиқ амнистия актлари эълон қилинди.

Президентимиз тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор давлатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг навбатдаги амалий тасдиғи бўлди.

Айтиш керакки, ушбу амнистия тўғрисидаги қарор ўн бир банддан иборат бўлиб, унда турли жиноятлар содир этиб, судланган шахсларни жазо ва жавобгарликдан озод қилиш ҳамда ўталмаган жазо муддатларини қисқартириш назарда тутилган.

Амнистия тўғрисидаги қарор талабига кўра, биринчи навбатда, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркеклар ва

чет давлат фуқаролари жазодан озод қилинади.

Бунга кўра, ёшидан ва фуқароликка мансублигидан қатъи назар барча аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, фуқароликка мансублигидан қатъи назар, 1953 йил 12 декабрда қадар туғилган эркеклар ва чет давлатлар фуқаролари бўлган шахслар жазодан озод қилинади.

Фақат ўта оғир жиноят содир этганлиги, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок қилганлиги ва улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган бўлса, аёллар, 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркеклар ва чет давлат фуқаролари амнистия таъсир доирасига тушмайди ва улар жазодан озод қилинмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди Пленумининг

### Қ А Р О Р И

2013 йил 11 декабрь № 20 Тошкент шаҳри

## Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишларни кўришда суд амалиётида келиб чиққан масалалар муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигини ва баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза этилишини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.
2. Мазкур конституциявий норма маъносидан келиб чиқиб, ҳар ким тадбиркорлик фаолияти ва қонун билан тақиқланмаган бошқа иқтисодий фаолиятда ўз қобилияти ва мулкидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

(Давоми иккинчи бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

## ҚАРОРИ

## Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

## (Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркор) киради ("Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси).

Якка тартибдаги тадбиркорлик деганда, қонунга кўра, жисмоний шахс томонидан мустақил равишда, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тушунилади.

3. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, шахснинг у ёки бу фаолиятни тадбиркорлик деб топиш учун иккита ҳолат мавжуд бўлиши — даромад топишга қаратилган ҳаракатлар системали равишда содир этилиши ва бундай фаолият асосий, яъни касб фаолияти сифатида амалга оширилиши шарт.

Шундан келиб чиқиб, бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий мазмундаги битимлар (масалан, уй-жой ёки кўчмас мулкни ижарага бериш, шахсий буюмларни сотиш, пудрат ёки топшириқ шартномасига кўра, онда-сонда турли майдда ишларни ҳақ эвазига бажариш ва ҳ.к.) тузадиган шахсларни, ҳаттоки бундай битимлар бир неча марта амалга оширилган тақдирда ҳам, тадбиркорлар деб топиш ва бундай сифатда давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилиш мумкин эмас. Мажбурийларни меҳнат шартномаси (контракт) асосида бажариш ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

Қонунчиликка мувофиқ касбий фаолият (хусусий амалиёт)нинг айрим турлари ҳам тадбиркорлик сифатида қаралмайди. Чунки, адвокатлар тадбиркор деб тан олинмайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари куйидагиларга ҳақли:

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга;

мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга;

ўз фаолияти йўналишларини, товарлар етказиб берувчиларни ва ўз товарлари (ишлари, хизматлари) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олишга, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

ўз товарларини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

барча ишлаб чиқариш ҳаракатлари ўрни қоплаиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) эркин тасарруф этишга, суд тартибдаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно;

кредит олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан, биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва бошқа мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтиришга.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-бобида назарда тутилган кафолатларни бузишда айбдор бўлган шахслар, бундай ҳаракатлар хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга боғлиқ равишда, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда — МЖТК) 241<sup>1</sup>-моддасида қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бунда қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўқинлик қилиш деганда, куйидагилар тушунилади:

тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни гайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш;

муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни гайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектининг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда гайриқонуний аралаштириш.

Тадбиркорлик фаолиятига тўқинлик қилган мансабдор шахсларнинг қонуний тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказишга, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

ўз товарларини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

барча ишлаб чиқариш ҳаракатлари ўрни қоплаиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) эркин тасарруф этишга, суд тартибдаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно;

субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш) йўл қўйган мансабдор ёки бошқа шахслар маъмурий жавобгарликка (МЖТК 241<sup>2</sup>-моддаси), айнан шундай ҳаракатларни маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг ёхуд қилмишда ЖК 206<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган белгилар мавжуд бўлган ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка (ЖК 206<sup>1</sup>-моддаси) тортиладилар.

6. Судлар қонуний асосларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қонунга хилоф равишда, яъни Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорлик фаолияти асослари ва тартибига риоя этмаган ҳолда даромад (фойда) олишга қаратилган ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган тадбиркорлик фаолияти юритишдан фарқлай олишлари лозим.

7. Қонунга хилоф равишдаги тадбиркорлик фаолияти, одатда, тадбиркорлик фаолиятини куйидаги қўриқиларда: рўйхатдан ўтмасдан; махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан; лицензия олиш қоидаларини бузган ҳолда амалга оширишда ифодаланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтмасдан қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда, юридик шахслар давлат реестрида ва якка тадбиркорлар давлат реестрида бундай юридик шахс тузилганлиги ёки жисмоний шахс томонидан якка тартибдаги тадбиркор мақоми олинганлиги ҳақида ёзув мавжуд бўлмаган ёхуд юридик шахс ёки жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги фаолияти тугатилганлиги ҳақида ёзув мавжуд бўлган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тушунилади.

Махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ лицензияловчи органнинг махсус рухсатномаси олиниши талаб этиладиган тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан бундай рухсатномага эга бўлмаган ҳолда шугулланиш тушунилади. Лицензия, унда кўрсатилган фаолият турини белгиланган муддат мобайнида амалга оширишга рухсат берадиган, шунингдек, мазкур фаолиятни амалга ошириш шароитларини белгилайдиган расмий ҳужжат ҳисобланади.

Лицензиялаш шартларини бузган ҳолда қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда, жумладан, ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга қўйиладиган талабларга риоя этмаслик (масалан, маҳсулотнинг яроқлилик муддати ва ишлаб чиқарилган санасини кўрсатиш мажбурийлиги тўғрисидаги шартлар), лицензияланаётган фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйилган техник талабларга риоя қилмаслик (масалан, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган санитария-гигиена шароитларининг мавжуд эмаслиги), фаолиятни лицензиялаш кўрсатилган ҳудуддан ташқарида амалга ошириш тушунилади.

8. Қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун жавобгарлик турини қонун бундай фаолият

натijasида олинаётган назорат қилинмайдиган даромад (фойда) миқдори, шунингдек, шахснинг муқаддам айнан шундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги билан боғлиқ. Бунда даромад (фойда) деганда, қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар реализациясидан мазкур фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни айирмаган ҳолда олинган пул тушимни тушуниши лозим.

Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаган ҳолда анча миқдорда (МЖТК 176-моддаси иккинчи қисми), шу жумладан, такроран анча миқдорда (МЖТК 176-моддаси учинчи қисми), савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда — ЖК) 188-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик, башарти, рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб анча миқдорда савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил давомида (МЖТК 37-моддаси) шундай қилмишни яна анча миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

ЖК 188-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, шахс муқаддам рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш учун маъмурий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигидан қатъий назар, жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

9. Рухсатнома олиниши мажбурий бўлган ҳолларда (МЖТК 165, 176<sup>3</sup>-моддалари, ЖК 190-моддаси), шахснинг ҳаракатларида махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш белгилари мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар, фаолиятнинг айрим турлари (уларнинг рўйхати қонунда белгиланади) фақат махсус рухсатнома (лицензия) орқали амалга оширилиши мумкинлигидан келиб чиқишлари лозим.

Махсус рухсатнома (лицензия) олиниши лозим бўлган фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи махсус рухсатнома (лицензия) олинган пайдан ёки унда кўрсатилган муддатдан бошлаб вужудга келади ва унинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг (агар рухсатнома (лицензия)да бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса), шунингдек, рухсатнома (лицензия) тўхтатилган, муддатидан илгари тугатилган ёки бекор қилинган ҳолларда тугатилди.

"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва лицензия берувчи органлар (вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари) амалга оширадилар. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга оширувчи лицензия берувчи органлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10. Тадбиркорлик фаолиятининг махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан амалга оширилиши, агар айбдор илгари (бир йил мобайнида) МЖТК 165 ёки 176<sup>3</sup>-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, ЖК

190-моддаси биринчи қисми билан жавобгарликни келтириб чиқаради.

ЖК 190-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, шахс тадбиркорлик фаолиятини махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан амалга ошириш учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, куйидаги ҳолларда қайд этилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмади, агар:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган шахс, фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш учун махсус рухсатномага эга бўла туриб, қонунда тақиқланмаган ва у билан шугулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) олиниши талаб қилинмайдиган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса; тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан махсус рухсатнома (лицензия)га асосан шугулланаётган шахс лицензия талаблари ва шартларини бузса (бу ҳолат "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 22, 23-моддаларига мувофиқ, фақат лицензия амал қилинишини тўхтатишга ёки тугатишга сабаб бўлади).

11. Қонун мазмунига кўра, МЖТК 165, 176, 176<sup>3</sup>-моддалари, ЖК 188, 190-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар субъекти, нафақат якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган шахс, балки тадбиркорлик фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошираётган шахс ҳам бўлиши мумкин.

Ташкилот томонидан (мулкчилик шаклидан қатъий назар) қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилганда, жавобгарликка ҳизмат мавқеига кўра ташкилотга доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича раҳбарлик қилиш мажбурияти бевосита юклатилган шахс (масалан, юридик шахс ижроия органи раҳбари ёки юридик шахс номидан ишончомасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс), шунингдек, амалда ташкилот раҳбарининг мажбурияти ёки вазифаларини бажараётган шахс тортилади.

12. Агар шахс (ташкилот раҳбари ёки ташкилотга доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича раҳбарлик қилиш мажбурияти юклатилган шахсдан ташқари) ўз фаолиятини рўйхатдан ўтказмасдан ёки махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан амалга ошираётган ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлса, бундай шахс томонидан меҳнат шартномасидан келиб чиқаётган мажбуриятларнинг бажарилиши МЖТК 165, 176, 176<sup>3</sup>-моддалари ва ЖК 188, 190-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этмайди.

13. Агар тадбиркорлик фаолиятини махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан амалга ошираётган шахс, айти пайтда рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товласа, унинг ҳаракатлари ЖК 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим. Қонунга хилоф равишда

тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганликда ва бундай фаолият натижасида олинган даромаддан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламаганликда айбдор деб топилган шахснинг ҳаракатлари ЖК 188 ёки 190-моддалари билан тўлиқ қамраб олинади ва ЖК 184-моддаси билан қўшимча равишда квалификация қилиниши талаб этмайди.

Шахс даромад олиш мақсади бўла туриб, ЖК бошқа моддаларида жавобгарлик назарда тутилган ноқонуний фаолият билан (масалан, ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портловчи ускуналар, гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш) шугулланган ҳолларда, унинг қилмиши ЖК 188-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этмайди.

13-1. Тушунтирилсинки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар жиноят оқибатида етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаган, айбига икромлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдирган ҳолларда, дастлабки тергов органлари ва судлар, ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига асосан, уларни тегишли жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари шарт.

13-2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ЖК 79-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ЖК 189, 190-моддалари билан судланган шахслардан судланганлик ҳолати муддатидан илгари ЖК 78-моддасида судланганлик ҳолати тугаллиниши учун назарда тутилган умумий муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганда олиб ташланиши мумкин.

14. Судлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ барча ишларни кўришда, бундай ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари ва уларга хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари керак.

15. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятига оид ишлар бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

16. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида"ги 2002 йил 25 октябрдаги 26-сонли;

"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини суд амалиётинида қўллаш ҳақида"ги 2001 йил 2 ноябрдаги 25-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

Б. МУСТАФАЕВ

Пленум котиби в.б.,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди судьяси

Ғ. ХИДОЯТОВ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур қарорнинг 2-бандида эҳтисозлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Қарорнинг 3-банди биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, шунингдек, амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар (яъни 2013 йил 12 декабр гача) бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсизлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бироқ жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари амнистия қарори таъсир доирасига тушмайди.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 4-бандига асосан содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ учун амалда икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган муддат қолган маҳкумлар жазодан озод қилинади. Ушбу банд жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Қайд этиш жоизки, амнистия тўғрисидаги қарорда билиб-билмай жиноятга қўл урган, ammo кейинчалик қилмишидан астойдил пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган шахсларни озод этишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Чунонки, амнистия тўғрисидаги қарорнинг 5-бандида таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши назарда тутилган.

Айтиш керакки, ушбу қарорнинг 6-банди Жиноят кодексининг 68-моддасидаги асослар бўлишига қўлланилади. Хусусан, жиноят содир этган шахс

**Munosabat**

# Амнистия — бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси



жавобгарликдан озод этилганда терговга қадар текширув материаллари ҳамда амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятларга оид ишлар амнистия тўғрисидаги қарорнинг 8-банди билан белгиланган чеклардан хисобга олган ҳолда тугатилади.

Ушбу қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддатини учдан бир қисмига, қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддатини тўртдан бир қисмига қисқартириш назарда тутилган.

Қарорнинг саккизинчи бандида амнистия акти татбиқ этилмайдиган шахслар тоифаси алоҳида кўрсатилган. Жумладан, ушбу банднинг "а" қисми бандига кўра, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга, ўта ҳавфли рецидивистларга, жиноий уюшма

таркибида жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидида қасддан одам ўлдирилган шахсларга жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмайди.

Қарор талабига кўра, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахслар деганда, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан қўлланилиб, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар тугалланмаган ва олиб ташланмаган иккита ва ундан ортиқ интизоми жазоси бўлган маҳкумлар, ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар; шартли ҳукм қилиниб, ҳукмда тайинланган жазони ўташ учун юборилган маҳкумлар, манзил-колониялардан тегишли тартибда колонияларга ўтказилган ёки қайтарилган маҳкумлар, жазони ўташ вақтида, ҳукм ижроси кечиктирилган даврда ёки синов муддатида қасддан жиноят содир этган шахслар тушунилади.

Таъкидлаш керакки, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши ва уч ой мобайнида унинг ижроси таъминланади. Бу жараёнда судларга алоҳида масъулият юклатилган. Судлар барча инстанцияларда ўзларининг иш юритишида қайси шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар ва материаллар бўлса, шу шахсларга нисбатан, ҳукм қонуний кучга кирган, бироқ ижро этилмаган, қамоқда сақланмаётган шахсларга нисбатан, жиноятлари ҳақидаги ишлар ва материаллар тергов ва суриштирув органлари иш юритишида бўлган шахсларга нисбатан — прокурорнинг илтимосномасига кўра, жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан — жазони ижро этиш муассасаси ёхуд органининг бошлиғи (ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳарбий қисм ёки интизоми қисм командири) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида прокурорнинг илтимосномасига кўра, амнистия тўғрисидаги қарорни қўлайдилар.

Қарорда, шунингдек, амнистия актини қўллаш даврида жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва очик-ошкораликни таъминлаш мақсадида сенаторлар ва депутатлар корпусининг вазосита иштирокини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор талабларининг ўз вақтида, самарали ижро этилиши инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг муҳим омил бўлиб, билиб-билмай хато қилган, адашган шахслар ўз оиласига қайтишига йўл очади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланиши, мослашуви учун шароит яратилиши жамяят муҳити соғломлигига хизмат қилади.

**Исматулла МАМАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Масалан, жорий йилда Мехнат кодекси ҳамда "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар аҳоли бандлигини таъминлаш ва тартибга солишни ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, "Гаров реестри тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши кредитларни расмийлаштириш тартиб-

лат муддати тугагач, ишга жойлаштиришга доир қўшимча қарорларни белгиланди. Шунингдек, судьяларнинг малага ҳайъатлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди. Суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий асослари демократик тамойилларга уйғун тарзда такомиллаштирилиши судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини янада мустақамлаш, қонун устуворли-

**Qonun ijodkorligi**

## Миллий қонунчилик асослари янада мустақамланди

таомилларини янада такомиллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга янада кенг йўл очиши билан ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва соҳани ривожлантириш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, унинг бандлигини таъминлаш мақсадида "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ҳўжалик процессуал кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

2013 йилда давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида Бюджет кодекси қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бюджет кодексини 2014 йил 1 январдан амалга киритиш ва 2014-2015 йиллар мобайнида кодексдаги меъёр ва қоидаларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш билан бирга белгиланган даврда унга ўзгариш ва қўшимчалар киритиб бориш кўзда тутилган.

Айтиш керакки, 2013 йилда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг ўрни ва аҳамиятини янада оширишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Масалан, суд тизими фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун янги 9<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, судьялик лавозимига тайинланган ёки сайланган ходимларни вако-

лат таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилади.

Яқунланган йилда мамлакатимиз қонун ижодкорлиги тарихидан яна бир муҳим воқеа жой олди. Мазкур йилда Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синов бўйича ҳуқуқий экспертизани ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Бухоро ва Самарқанд вилоятларида синовдан ўтказилди.

Мазкур ҳуқуқий экспертизани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолияти очиклигини, шаффофлигини, улардан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамяти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган нормалари самарадорлигини аниқлаш, бу жараёнда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, уни самарали қўллаш механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнига ҳуқуқий эксперимент усулларини жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда бу соҳадagi ахборот ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Айтиш керакки, ушбу ҳуқуқий эксперимент ишлаб чиқилган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлашга муҳим омил бўлиши нафақат миллий экспертларимиз, балки ривожланган хорижий давлатлар олим ва экспертлари томонидан ҳам эътироф этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қонун ҳужжатлари миллий қонунчилигимиз асосларини мустақамлашга хизмат қилади. Энг муҳими, фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш қўлами янада кенгайди.

**Дилбар ХОЛИҚОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

**Iftixor**

## Озод юртининг обод манзиллари



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ушбу хайрли мақсад учун ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Навоий минтақавий филиали томонидан жами 120 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли ипотека кредити ажратилди.

— Бугун оиламизнинг қу-

вончи чексиз, — дейди вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳуқуқшуноси Мамадиёр Норматов. — Янги йил байрами арафасида Кармана тумани "Дўстлик" массивидаги намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлардан бирига кўчиб ўтдик. Оила аъзо-

ларим — рафиқам, икки ўғлим, келиним ва набирам билан янги хонадонга кирарканмиз, қурувчилар томонидан уйни кўнглимиздагидан ҳам зиёда қилиб битказилган нидан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Бу ҳовли ўта замонавий услубда қурилган. Яшаш учун барча зарур шарт-шаро-

итлар муҳайё қилинган. Истиқомат қилиш учун қурувчилар бир меъёрда ишлаб турибди, иссиқ ва совуқ сув, табиий газ босими меъёрида.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, 2013 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларга эга бўлаётган фуқароларга давлатимиз томонидан яна бир қулайлик яратилди. Яъни уй-жой эгалари ипотека кредитини тўлаб бўлмагунча қадар уй-жой бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар.

Албатта, келгуси йилда ҳам бундай эзгу ва хайрли ишлар изчиллик билан давом эттирилиши аҳоли фаровонлигини янада оширишга, қишлоқларимиз қиёфаси замонавий тус олишига хизмат қилади.

— Президентимизнинг 2013 йил 15 ноябрдаги "Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши бу

борадаги соғий-ҳаракатларини янги босқичга кўтарди, — дейди ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Навоий минтақавий филиали бошқарувчиси И.Саидов. — Ушбу қарорга мувофиқ республикамизнинг 388 та қишлоқ массивларида 11 мингта уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Ана шу янги тураржойларнинг 677 таси вилоятимизнинг 22 та массивида қад кўтарилди.

Ҳа, режага кўра, вилоятда барпо этиладиган янги тураржой биноларига тоза ичимлик суви, электр-энергия ва газ тармоқлари уланади. 16 километр йўлга асфальт ётқизилади. Қарор доирасида янги массивларда битта маҳалла гузари, 3 та савдо мажмуаси, шунингдек, бозор ва нон ишлаб чиқариш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ушбу эзгу ишлар юртимизда аҳоли турмуш даражасини оширишга, озод ва обод дёиризмизни янада гуллаб-яшна-тишга қаратилган.

**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

гани ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини, шунингдек, жавобгарнинг оталикни тан олганини ҳам аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Шунга кўра, суд даъвогар Р.Шоймардоннинг даъво талабини рад этди.

Шу билан бирга М.Сафарова ва М.Турсуновларга фарзандларининг моддий таъминоти учун жавобгарлардан алимент ундириш тўғрисида судга алоҳида муурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оилада ҳаётимиз давомчилари, жамят келажакки бўлган фарзандлар униб-ўсади. Оила қураётган ҳар бир йигит-қиз, энг аввало, қонини фарзандларини тарбиялашни ният қилар экан, умр йўлларида бунга риоя этсалар, болаларни меҳр ардоғида катта қилсалар, келгусида бунинг ширин мевасини, албатта, тотишад.

**Азиз НОРБОВЕВ,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг судьяси  
**Абдунаби БОБОЕВОВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

**Turmush chorrahalarida**

## Қонуний никоҳ

оила мустақамлигининг муҳим асоси

этиб, тарафлар ҳамда гувоҳларнинг фикрларини тинглаб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни, яъни 2008 йил 18 мартда тузилган Бунёдга Шерзод Шералиевнинг оталигини белгилашни лозим топди.

Яна бир мисол. Ангор туманида истиқомат қилувчи Раҳим Шоймардон ҳамда Муборак Турсунова ҳам қонуний никоҳдан ўтмасдан оила қуришган. Аввал-бошданок пойдевори мустақам бўлмаган бу оиланинг тез орада низодан боши чиқмай қолди. Муборак ҳам ота-онасиникига қайтиб келди. Бу орада фарзанд Муқаддас туғилди. Тегишли маълумотларга асосан туғилиш далолатномаси ёзувида Р.Шоймардоннинг оталиги белгиланган эди.

Буни қарангки, Р.Шоймардон зурриёдини тан олмасдан, далолатнома ёзувидан ўз исм-шарифини

ўчиришларини сўраб, судга даъво аризаси киритди.

Даъвогарнинг даъвосига М.Турсунова эътироз билдириб, даъвогар 2012 йил 26 октябрда туғилган фарзанди Муқаддаснинг ҳақиқий отаси эканлигини билдирган.

Бинобарин, Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддаси 1-қисмида ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги таъкидлаб ўтилган. Шунга асосан, суд томонидан одам "ДНК"си бўйича биологик экспертиза тайинланиб, экспертиза хулосасига кўра, Р.Шоймардон Муқаддаснинг ҳақиқий отаси эканлиги аниқланди.

Айтиш керакки, оталикни белгиланганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшагани ва умумий рўзгор юрит-

## Эл-юрт фаровонлиги йўлида

молия муассасалари ҳам самарали фаолият юритмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда, саноатда ҳам, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида ҳам ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Натижанда аҳолининг бандлик даражаси, даромадлари ва турмуш сифати тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда ўз фаолиятини замонавий асосда такомиллаштираётган, саноатчилар, тадбиркорлар, фермерлар ва аҳолининг ишончли ҳамкори бўлишга эришган молия муассасаларининг ҳам ўз ўрни бор. Чунки юртимизни тараққий эттириш, ҳаётини устувор вазифаларни амалга оширишда тижорат банкларининг узлуksиз молиявий кўмаги ютуқлар оминла бўлмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

E'tirof

# Халқимиз ҳаётини янада обод этган йил

(Давоми. Бошланиши биринчи ботда)


Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

2013 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар давлат бюджети умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этгани ва бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқ бўлгани аҳоли манфаатлари изчи таъминланаётганини кўрсатади. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи кишлоқ ҳудудларида ташкил этилди.

Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари ишга туширилди.

2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Обод турмуш йилида қилинган катта ишлар қаторида янги уй-жойлар



барпо этиш алоҳида ўрин тутди. Жумладан, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.

Мисол тариқасида 2013 йилнинг ўзидан биргина Урганч шаҳрида 344 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилганини айтиш ўринли. Ана шундай катта ҳажмда ишлар Қарши, Фарғона, Наманган, Нукус, Жиззах, Шаҳрисабз, Гулистон ва бошқа шаҳарларда, юртимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам давом эттирилмоқда.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўлини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз-

даги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди. Жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда маҳаллалар, турар-жой мавзеларида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оилавий дам олиш масканлари, гузаллик салонлари барпо этилди.

Шу ўринда пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтсак. Айтиш жоизки, шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни

ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Замонавий иншоотлар, турар-жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ўз ичига олган "Маърифат маркази", Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, "Бунёдкор" спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намуналаридир.

Кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Қаштан, қарағай, арча, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи кўплаб дарактлар ва гуллар экилиши натижасида пойтахтимиз янада обод ва кўркам бўлиб бораётган.

Қириб келаётган йилда бу каби хайрли мақсадларни давом эттиришга кенг имкон яратилгани, яъни 2014 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган болажон халқимизнинг дилидаги тилагига ҳамоҳанг бўлди. Зеро, мазкур йилда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътибор марказида бўлиши шубҳасиз. Бу эса, фарзандларимизнинг соғлом бўлиб қамолга етишига, юртимиз қудрати янада юксалишига замин яратди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўлкаимизга ана шундай эзгуликларни бошлаб келаятган Янги — 2014 йил билан барча юртдошларимизнинг, газетамиз муштарийларини самимий муборакбод этамиз! Юртимизда, хонадонларимизда ободлик, файзу барака, тинчлик ва тотувлик доим барқарор бўлиб, болаларимизнинг беғубор кулгусидан кўнгилларимиз мудом нурланиб турсин!

Норгул АБДУРАИМОВА

Garoyib olam

Янги йилни ширинтой болалар билан бирга катталар ҳам завқли байрам сифатида ардоқлайди. Айниқса, ушбу байрамни болажонлар интиқлик билан кутиб олишади. Худди шу оний лаҳзаларда она сайёрамизнинг турли минтақа ва ҳудудларида ҳам кўплаб халқлар ўз миллий урф-одатлари ва анъаналарига хос тарзда янги йилни нишонлашади.

## Биз билган ва билмаган дунё



### Янги йил ажойиботлари

Италияда янги йил кечаси кўчаларда юриш тавсия этилмайди. "Эски оқдан халос бўлиш" ақидасига ишонган маҳаллий аҳоли янги йил кириб келиши билан эски буюмларни деразадан ташқарига улоқтира бошлашади. Негаки, эски буюмлар олдинги дард ва кўнгилсизликларни ўзи билан бирга олиб кетар эмиш ва уларнинг ўрнида янги буюмларга, демакки, янги ниятларга жой очилиши керак экан. Шу боис янги йил кечаси италияликлардан байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш билан бирга хушёрликни ҳам унутмаслик талаб қилинади. Бу мамлакатда Баббо Натале деб номланувчи қорбонинг қизил либоси шу қадар машҳурки, ҳатто полиция ходимлари ҳам янги йил арафасида қизил пайпоқ кийган ҳолда хизматда туришади.

Германияда эса, янги йил кечаси одамлар стул ва бошқа баландроқ жойларга чиқиб туришдан ва одатга кўра, соат миллири 12<sup>00</sup> га бонг уриши биланоқ барча қўлида танга ушлаган ҳолда ерга сакраб, шу орқали гўё янги йилга ўтиб оладилар. Ана шунда келаятган йил баракали ва сердаромат бўлар экан. Бахт ва янги куч тарқатмасин, деган ниятда негаки сақланаётган сабини зўр иштиёқ билан истеъмол қилишади.

Ирландияда эса, янги йил кечаси барча уйларнинг эшикларини ланг очиб қўйиладилар ва, энг қизиғи, бу палла истаган киши хоҳлаган уйга ташриф буюриши мумкин. Келган меҳмон хонадоннинг энг азиз кишисига айланиб, дастурхоннинг тўридан жой олади. Меҳмон эзгу ниятда билдириб, хусусан, ушбу хонадон ва бутун дунёда тинчлик бўлишини тилаб, бу хонадонни тарқатади. Соат 12 яримга келиб эса, барча ирландияликлар кўчаларга чиқиб, куй-қўшиқлар оғушида янги йилни байрам қилишади.

Колумбияда байрам феърверк ва осмонга отилган тўп-лар жўрлигида кутиб олинади. Маҳаллий аҳоли ўтаётган йилни англатувчи турли кўприкларни ясаб, уларнинг ичига турли тилақлар битилган қоғозларни жойлаб, шаҳар бўйлаб олиб юришади. Тун ярмида эса, бу кўприклар ёндирилади ва шу орқали гўёки эски йил янги йилга ўз ўрнини бўшатиб беради.

Норвегияда эса, эчки —

барака белгиси, яъни ёш болаларга совғалар улашувчи жонзот сифатида эъзозланади, янги йил кечаси барча болаларга совға олиш ичинини оёқ кийимининг ичига қуруқ ем солиб қўядилар. Эрталаб эса, оёқ кийимларидан эчки "иньом этган" турли-туман совғаларни олишади.

Японияда эса, байрам арчаси қадамга деб номланган даракт ва ўсимликлар тўппамидан иборат бўлиб, у сосна, бамбук ва шолӣ найчаларидан ташкил топади. Япон халқи янги йилни кўн-ғироқнинг 108 та зарби билан кутиб олишади ва ана ўша жарангдор зарблар одамнинг 108 та салбий иллатига барҳам беради, деган ақидага ишонишади. Бонг уришдан тўхтагач эса, ҳамма баравар кулиши лозим, акс ҳолда йил давомида унинг омади юришмайди, деган тушунча японияликларнинг асосий шioriга айланган. Янги йилда хонадон эшикларини бамбук ва сосна даракти шохлари билан безатиб қўйиладилар, бу узоқ умр ва садоқат рамзини англатади.

Францияда эса, қорбобо Пер Ноэль деб номланиб, у ҳам болаларга совға улашганини яхши кўради. Одатга кўра, ушбу мамлакатда янги йил дастурхонида ичига дуқкак солинган пишириқ тортилади, уни топган кишининг барча хоҳиш-истаги шу заҳотиёқ муҳайё қилинади.

Осиё мамлакатларида ҳам янги йил анча анъаналарга бой тарзда кутиб олинади. Жумладан, вьетнамликлар хоналарини гуллаб турган шафтоли дарактининг шохлари билан безатишади. Хитойда эса, аҳоли байрам кечаси кичкина фонарларини ёқиб, кўчаларни чироқли денгизга айлантиришади. Бирмада эса, янги йил ҳосилдор келиши учун арқон тортиш бўйича беллашув уюштирилади.

Ҳиндистонда янги йил кунини ҳеч ким жаҳлдор ёки асабийлашган бўлиши мумкин эмас. Негаки, ҳиндлар янги йилнинг биринчи кунини қандай кутиб олинса, йил ҳам худди шундай ўтади, деган ақидага жуда қаттиқ ишонишади. Шунинг учун бўлса ке-рак, аслида ўта аччиқ таом истеъмол қиладиган ҳиндлар фақат янги йил кунини ширин гурч ва шакарга ботирилган меваларга ружу қўйишади.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

### Maslahat

## Меросга ким ҳақли?

Авалло шунини айтиш керакки, амалдаги қонунларимизда мерос билан боғлиқ муносабатлар ўзининг тўлиқ ҳуқуқий ечимини топган. Жумладан, қонун бўйича мерос ҳосилдорлар доирасига мерос қолдирувчи билан қариндошлик ришталари орқали боғланган қўлидаги шахслар кириши мумкин:

- биринчидан, тўғри чирик бўйича қўлида қараб туташган мерос қолдирувчининг авлодлари: ота-онаси, бобо-бувиси ва ҳоказолар;

- иккинчидан, тўғри чирик бўйича пастга туташган мерос қолдирувчининг авлодлари — унинг фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари (набира, чевара, эвара ва ҳоказолар);

- учинчидан, ён чирик бўйича қариндошлиги бўлган шахслар, яъни мерос қолдирувчининг ака-укалари, онасингиллари, тоға-амаки, ама-холалари ва уларнинг авлодлари;

- Бундан ташқари мерос қолдирувчи боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам қонун бўйича мерос-хўрлар доирасига кирилади.

Демак, қонун бўйича меросхўрлар доирасига, асосан, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносаба-тида бўлган, шунингдек, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган, меҳнатга қобилиятсиз, қонунда белгилаб қўйилган шахслар кириди. Вазият бўйича меросхўрлар доирасига киритиш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва фақатгина унинг хоҳиш-иродаси билан эркин танланади.

Тавakkal ХАМРОЕВ, Навоий вилояти Учкудук тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси

## Эл-юрт фаровонлиги йўлида

### молия муассасалари ҳам самарали фаолият юритмоқда

(Давоми. Бошланиши учинчи ботда)

Хусусан, мамлакатимизнинг етакчи молия муассасалари-дан бири ҳисобланган Давлат тижорат Халқ банки бунда ўзига хос ўринга эга. Мазкур банк жаҳон андозаларига инти-тилган ҳолатда мунтазам равиш-да банк хизматларининг жо-зибадорлигини ошириб, ми-жозларига самарали хизмат кўрсатиб аҳолининг банк тизи-мига бўлган ишончини мус-таҳкамлаш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Ай-ниқса, иқтисодийнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимиз-нинг муҳим тармоқларига ин-вестиция киритиш, тадбир-корларнинг истиқболли лойи-ҳаларига кредит ажратиш, ёш оилаларни уй-жой билан таъ-минлашга кўмаклашиш ва юрт ободлигига ҳисса қўшиш каби жиҳатлар банк фаоли-я-тида муҳим йўналишлардан саналади.

Халқ банкининг мавқеи то-бора орттишига ҳисса қўшаёт-ган, мижозларининг ишончи-ни қозонган ва самарали иш юритаётган филиаллари, бў-лимлари қаторида унинг Хо-разм вилояти филиали ҳам эришаётган юқори натижалар-ни билан ажралиб туради.

Ҳозирда мазкур банк муас-сасаси вилоятдаги 12 та фи-лиал, 14 та минибанк, 150 та шохобча ва 34 та махсус кас-са орқали 4 мингдан зиёд юридик ва 400 мингга яқин жисмоний шахсга замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Одатда, банклар ўзининг тижорат фаолиятини барқа-рор юритиш учун, албатта, ўз ресурслари ва аҳолидан жалб қилинган маблағлардан кенг фойдаланади. Шу маънода ушбу банкда Президентимиз-нинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини ли-гибдорлаштириш ҳамда кафо-латларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тў-ғрисида"ги Фармони талаб-ла-

ри асосида миллий ва хори-жий валюталарда 16 тага яқин омонат тури ташкил этилган. Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра, аҳоли омонат-ларининг қолдиги 346 милли-ард сўмдан ортди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожланти-риш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Филиал жамоаси ҳам юртимиз ра-ваннаки, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга бел боғлаган кўплаб тадбиркор-ларни молиявий жиҳатдан қў-ллаб-қувватлаб келмоқда.

— Туманларда, чекка киш-лоқларда фуқаролар, ишиб-лармонлар ва ёшлар билан уларнинг тадбиркорликка бў-лган қизиқиши ва интилишини ошириш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, бу мақсадлар учун кўпроқ кредит ажратиш мақсадида учрашувлар, суҳ-батлар ўтказдик, — дейди Халқ банки вилоят филиали бошлиғи Отабек Абдулхали-зов. — Бундай саъй-ҳаракат-лар ўз натижасини берди. Жорий йил бошдан буён бар-ча молиялаш манбалари ҳис-обидан кичик бизнес субъект-ларига ажратилган кредитлар 36 миллиард 451 миллион сўмга етди. Шу жумладан, касб-хўнар коллежлари бити-рувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш, бизнес гоғларини рўёбга чи-қариш учун 1 миллиард 129 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Тадбиркор аёл-ларнинг қўллаб-қувватлашга э-са 3 миллиард 655 миллион сўм кредит йўналтирилди. Кел-гусида ушбу йўналишдаги фа-олиятимизни янада ривожлан-тиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Зеро, ҳо-зирда кичик бизнес мамла-катимиз иқтисодиётининг асо-сий таянчидир.

Дарҳақиқат, банк филиали ажратган сармага ҳисобига я-нги ишлаб чиқаришни йўл-га қўяётган, кўпчиликни иш билан таъминлаётган, даромад манбаларини яратиш, элга

наф келтираётган тадбиркор-лар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шундай қорхоналардан бири Урганч шаҳридаги "Дил-фуза сервис" қорхонасидир.

— Банк филиалидан 200 миллион сўм имтиёзли кре-дит олиб, тадбиркорлик фа-олиятини бошладим, — дей-ди қорхона раҳбари Гулбаҳор Жуманиёзова. — Хориждан за-монанга янги технология келти-риб, 10 нафар йигит-қизини ишга жалб қилдим. Ҳозирда ҳар ойда ўртача 15 миллион сўм-лик 8 турдаги нон ва нон мах-сулотлари тайёрлапмиз.

Хива туманидаги "Юлдуз Қундуз инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Махмудов банкнинг Хива филиали томонидан 5 йил муддатга ажратилган им-тиёзли 130 миллион сўм кре-дити эвазига "Боғишамол" сай-ёҳлик мажмуасини ташкил этди. Бу ерда сайёҳларга за-мон талаблари асосида хиз-мат кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, кредит миқдорини ошириш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги истиқболли лойиҳаларни мо-лиялаштириш филиал жамоа-сининг доимий диққат-эйти-борида турибди. Чунки бу масъулиятли вазифа иқтисо-дийимиз юксалишини таъ-минлашда муҳим омили ҳисоб-ланади. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта ишлар са-мараси ўлароқ жорий йилда банкнинг кредит портфели ўтган йилнинг шу даврига ни-сбатан 30 фоизга ўсди, яъни 100 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди.

Шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 8 миллиард 581 миллион сўм, ноозик-овқат маҳсулотла-ри ишлаб чиқаришни ривож-лантириш учун 6 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Бундан ташқари бўш турган объектлар ва фаолиятсиз қор-хоналар негизда янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектлари-нинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 5 миллиард 300 миллион

сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу саъй-ҳаракат-лар натижасида 6316 та янги иш ўрни яратилди.

Банк филиали фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати ҳа-қида алоҳида айтиб ўтиш ло-зим. Гап шундаки, филиал жа-моаси вилоятда жадал олиб борилаётган бунёдкорлик иш-ларига молиявий кўмаклашиш мақсадида муайян ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда филиал томонидан аж-ратилган 15 миллиард сўмдан ор-тиқ кредитлар эвазига Урган-ч шаҳрида 76 та ёш оила учун урта жойда 3 та кўп қават-ли уйларни бунёд этиш иш-лари ниҳоясига етказилмоқда.

Уларнинг биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кў-рсатиш шохобчалари ҳам иш бошлади. Банк филиалининг молиявий кўмаги билан кўп-гина ёш оилалар ҳаётида қу-вончи воқеа рўй беради. Уларнинг бундай кўркам уй-ларда камол топадиган фар-зандлари эртага баркамол ин-сонлар бўлиб етишадилар, жамиятимиз тараққиётига ҳис-са қўшадилар.

Банк филиали томонидан ёш оилаларга нафақат уй-жой кредитлари, балки оилавий шароитини яхшилаб олишлар-и учун мўлжалланган катта миқдордаги истеъмол кре-дитлари ҳам берилаяпти. Жор-ий йилда ёш оилалар учун 2 миллиард сўмга яқин истеъм-ол кредитлари ажратилгани ай-ни мундзақ бўлди. Бундай эзгу ишлар узлуқсиз давом эт-тириляпти.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки Хоразм вилоят филиали томонидан кўрсати-лаётган хизматлар тобора кен-гайиб бормоқда. Филиал жа-моаси "Мижоз банк учун эмас, банк миқдори учун" тамойили асосида иш юритиб, ўзининг самарали иш фаолияти билан вилоят иқтисодиётини ривож-лантиришга, аҳоли турмуши-ни янада яхшилашга ҳамда юрт ободлигига муносиб ҳис-сасини қўшиб келмоқда.

БАНК МАТБУОТ ХИЗМАТИ

## Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

### Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ  
Шоноус ГАЗИЕВ  
Кўчкор ТОҒАЕВ  
Русланбек ДАВЛЕТОВ  
Мажуда РАҲАБОВА  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Икром МУСЛИМОВ  
Ғайрат ХИДОЯТОВ  
Арислон УСМАНОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

### Навбатчи муҳаррир:

Сардор  
ХАМРОЕВ  
Саҳифаловчи:  
Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буортма: Г-1216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 5968.  
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20<sup>30</sup> Топширилди: 21<sup>30</sup>